

Возврат Шўртган Ф04
08.05.22
01.06.22

ШАРТНОМА №ЕКС-59/2022

«01» июнь 2022 й.

Бир томондан «ELEKTRO KOMPLEKT SERVIS» МЧЖ куйида «Сотувчи» деб юритилади, ўз Уставига асосан фаолият юритувчи, номидан Бош директор **Т.А. Агзамов**, иккинчи томондан «Ўзбекнефтегаз» АЖ куйида «Харидор» деб юритилади, унинг номидан 30.12.2021 йилдаги №01-12/2-3 сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи, «Шўртган нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси» директори **Ш.Д. Жабборов** тузадилар ушбу шартномани куйидаги мазмунда:

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

«СОТУВЧИ» куйидаги:

№	Махсулот, товар, ускуна ёки молнинг номи	Улч. бир	Сони	1 бирлик учун	Нархи (сум) ҚҚС 15% билан
				Нархи (сум) ҚҚС 15% билан	
1.	1.Безмасляный винтовой компрессор с воздушным охлаждением «ZT 110 VSD-10,4 Standart HAT Coled Rotary Screw Compressor в контейнерном исполнении (с учетом температурного режима до+50) комплекте с осушителем «CD250+ Cerades Duplex Adsorption Dryer»	компл.	1	4 400 000 000	4 400 000 000
ЖАМИ:					4 400 000 000

Жами: 4 400 000 000 (Тўрт миллиард тўрт юз миллион) сўм ҚҚС билан сўм.

«Сотувчи» келишилган нархда махсулотни етказиб беради, монтаж ишларини амалга ошириб, ишга кушиб, 72 соат ишлатгандан сўнг «Харидор» га топширади. «Харидор» ушбу махсулотларни қабул қилиб олади ва хақини тўлайди. «Харидор» олаётган махсулотнинг 70% пулини аввалдан тўлаб, уни 90 (тўқсон) иш куни ичида олади ва қолган 30 % пулини 72 соатлик синов-ишлатиб, қабул қилгандан сўнг 30 (ўттиз) банк куни ичида тўлаб беради.

Махсулот комплектига куйидагилар хам киради.

1. Ускунани ишлатиш йуриқномаси (рус тилида);
2. Эҳтиёт қисмлар каталоги (инглиз тилида);
3. Паспортлар;
4. Ускуналарни ишлатиш учун эҳтиёт қисмлар.

II. МАХСУЛОТ СИФАТИ.

- 2.1. Етказиб бериладиган махсулот (товар) сифати ИТХ (ГОСТ,ОСТ,ТШ)га мувофиқ бўлиши керак.
- 2.2. «Харидор» етказиб берилган махсулот (товар) ни олдиндан унинг сифати, бутлиги ва сонини текширган холда қабул қилади.
- 2.3. Етказиб берилган махсулот учун кафолат муддати «Сотувчи» томонидан, етказиб берилган вақтдан бошлаб 18 (ўн саккиз) ой давомида амал қилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 3.1. «Сотувчи» товар-махсулотни истеъмолга (ишлатишга) яроқли холда талаб даражасида етказиб беради ва унинг сифати учун жавоб беради.
- 3.2. «Сотувчи» томонидан етказиб бериладиган товар-махсулоти «Харидор» томонидан тасдиқланган техник топшириқ талабларига мувофиқлигини таъминлайди. (1-сонли илова)
- 3.3. «Сотувчи» товар-махсулотни монтаж ва ишга қўшиш учун малакали мутахассисларни жалб қилади, монтаж ва ишга қўшиш вақтида товар-махсулотда аниқланган камчиликларни ўз хисобидан бартараф қилади.
- 3.4.«Сотувчи» етказган товар-махсулотларни ишга яроқлилиги 18 (ўн саккиз) ой муддатга кафолат беради, яъни ишдан чиқадиган бўлса 30 (ўттиз) кун ичида ўз хисобидан тиклаб беради.

- 3.5. «Сотувчи» етказиб бераётган товар махсулотларни хар иккала томон вакиллари иштирокида қабул қилинади.
- 3.6. Махсулот етказиб берилган санаси – «Сотувчи» томонидан махсулотни монтаж қилиб, ишга қушгандан кейин, 72 соатлик синов-ишлатиб, қабул қилгандан сунг «Харидор» билан биргаликда махсулотни қабул-қилиш далолатномаси расмийлаштирилган санадан хисобланади.
- 3.7. Хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган товар сотувчи томонидан харидорга берилаётган вақтда сифат сертификати божхона юк декларацияси (ГТД) тақдим этилмаса товар қабул қилинмайди.

IV. ЎЗАРО ХИСОБ-КИТОБ ва ЖАВОБГАРЛИК.

- 4.1. Махсулот қиймати ва тўлови, нақд бўлмаган пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 4.2. «Харидор» «Сотувчи»га махсулот қийматининг 15% ни олдиндан ўтказиб беради ёки тўлайди.
- 4.3. Махсулот (товар) «Сотувчи»нинг транспортида олиб келиб топширилади.
- 4.4. Махсулот қабул қилиш «Харидор» нинг манзилида тегишли тартибда кирим назорат далолатномаларини расмийлаштириш орқали амалга оширилади.
- 4.5. Махсулот қиймати вақтида тўланмаган тақдирда «Харидор» хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган туловнинг 0,4% миқдорда аммо жами кечиктирилган туловнинг 5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.
- келтирилган товар-махсулотни олишдан асоссиз бош тортса, унинг 5% миқдорда жарима ҳам тўлайди.
- 4.6. Махсулотни келтириб топшириш кечиктирилганда «Сотувчи» хар кечиктирилган кун учун кечиктирилган махсулот қийматининг 0,5% миқдорда аммо 5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.
- келтирилган товар-махсулотни сифати, махсулот сони, шартномада кўрсатилган махсулот номи етказиб берилаётган махсулотга мос келиши, ассортимент ва нави (параметрлари) бўйича талабга жавоб бермаса ва уни «Қабул қилиб олувчи» қабул қилмаса, «Сотувчи» келтирилган товар-махсулот қийматининг 20% миқдорда жарима тўлайди.
 - келтирилган товар-махсулот шартноманинг II. Банди - Махсулот сифати талабларига мувофиқ бўлмаса ҳамда уни «Харидор» қабул қилмаса, «Сотувчи» келтирилган товар-махсулот қийматининг 20% миқдорда жарима тўлайди.
- 4.7. Етказиб берилган махсулотнинг нархи бўйича келиб чиқадиган хар қандай эътирозларга «Сотувчи» жавобгарликни тўлик ўз зиммасига олади.
- 4.8. Томонларнинг ўз ваколатларини бажармаслик бўйича жавобгарлик Қашқадарё вилоят иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

V. ФОРС-МАЖОР.

- 5.1. Томонлар ўзига боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатлар, ёнғин, сув тошқини, харбий харакатлар, ер қимирлаши содир бўлиши оқибатида шартноманинг мажбуриятларини қисман ёки тўлик бажармаса, жавобгарликдан озод этиладилар.

VI. ШАРТНОМАНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚИСМИ

- 6.1. Жиноятчиликдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг халқаро ҳужжатларда назарда тутилган коррупцияга ва ушбу ҳуқуқбузарликка қарши курашиш қонун ҳужжатларига кўра давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органи ходимининг пора олиши, тижоратда пора олиш ёки пора беришда иштирок этиш каби харакатларни рад этиш, шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар амалдаги коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этадилар, шу жумладан ходимлар, афшорланган шахслар, бенефициарлар ва бизнес шериклар, воситачилар, пудратчилар ёки шартномани бажаришда иштирок этадиган агентлар ушбу қонунга зид равишда харакат қилмаслигини таъминлайдилар;
- 6.2. Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклиги тамоилларига зид бўлган мақсадларда уларга таъсир ўтказувчи хар-қандай шахслар, томонлар тўғридан-тўғри ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахс орқали таклифлар, ваъдалар бериш, товламачилик, сўровлар, пул бошқа қимматбаҳо буюмлар, мол-мулк, ҳуқуқи ёки бошқа моддий ёки номоддий фойдаларни олишда, асоссиз устунликка эришиш ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришишда розилик беришдан воз кечадилар;
- 6.3. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш чораларини кўришни кафолатлайдилар. Томонлар қонун бузилишига оид гумонларнинг пайдо бўлишим ёки шартнома доирасида улар томонидан жалб қилинган Томонлар, ходимлар, фойда олувчилар, каффилланган шахслар ёки бошқа шахслар томонидан бузилиш эҳтимоли борлиги тўғрисида (шу жумладан корпоратив электрон почтадан фойдаланган ҳолда) бир-бирларини ёзма равишда очик ва дарҳол хабардор қилиш мажбуриятини оладилар;

Шунингдек, агар томонлардан бири асосланган ҳолда ёки шубҳа остидаги бошқа томон, унинг ходимлари, бенефициарлари, шериклари ёки шартномани бажаришда иштирок этадиган бошқа шахслар томонидан амалдаги қонунларнинг ва/ёки ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши қоидалари бузилган бўлса, ушбу томон унга ёзма равишда сўров юборишга ҳақлидир. Талабнома келиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида қонун бузилиш фактини рад қилувчи ёки тасдиқловчи изоҳлар ва маълумотлар/ҳужжатларни тақдим этиш талаби билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

6.4. Томонлар, агар томонлардан бири ушбу боб талабларини бажармаган бўлса, шунингдек бошқа томон бузилиш содир бўлмаганлигини ёки содир бўлмаслиги тўғрисида тасдиқ олмаган бўлса ва томон коррупция хавфини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган бўлса, бошқа томон ушбу Битимни бир томонлама бекор қилиш, шунингдек унинг бажарилишини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

6.5. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилишни томон томонидан етказилган зарарни қоплаш ушбу шартноманинг тегишли моддасида белгиланган тартибда амалга оширади, шу билан бирга ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон шартномани белгиланган бир томонлама бекор қилиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.

6.6. Агар келишув бўйича томон Компания ходимларининг ҳатти-ҳаракатларига, ушбу шартномага ва/ёки амалдаги қонунчиликка, шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга мажбурлаш фактларига дуч келса, томонлар бу ҳақда коррупцияга қарши қоидаларга зид бўлганлиги тўғрисида қуйидаги алоқа каналларидан бири томонидан хабар бериши шарт

- +99875 552-67-24 рақамли “Ишонч телефони” оғзаки мурожаат қилиш;
- Жамиятнинг расмий веб-сайти орқали www.shurtanneftgaz.uz;
- Жамиятнинг почта манзилига юборилган ёзма мурожаат орқали.

VII. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

7.1. Шартнома ҳар икки томонлама имзолангач кучга киради, шартнома бўйича мажбуриятлар тўла бажарилгунигача бўлган муддат давомида амалда бўлади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, барча нусхалари бир хил юридик кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ:

«СОТУВЧИ»

«ELEKTRO KOMPLEKT SERVIS» МЧЖ

100000, Республика Узбекистан, г. Ташкент,
Юнусабадский район, ул.Ниязбек йули, д.17/1
х/р: 2020 8000 3002 9108 2001
Уз. Р. ОПЕРУ АТБ «Asia Alliance Bank»
МФО: 01095
ИНН: 302856697
ОКЭД:24330,
ОКПО: 25076346
Тел/факс: (+99871) 267-03-95, 267-03-96

«ХАРИДОР»

«Ўзбекнефтгаз» АЖ

Шўртан НГКЧБ

Қашқадарё вил. Ғузур тум. Шуртан к.
х/р: 2021 0000 1001 2433 9035
Уз.Р. АТБ «СКБ» Яшнобод ф-л
МФО: 00432
ИНН: 200837914
ОКЭД: 84111
ОКПО: 00037517
т/факс: 0-375-552-67-48

М.У

Т.А.Агзамов



М.У

Ш.Д.Жабборов

Бухгалтерия ҳисоби бўлими катта ҳисобчиси: _____ А. Шарипов

Таъриф сиёсати ва таннарх бўлими бошлиғи: _____ З. Эшқурбонов

Молия ва газначилик департаменти ет. мутахассиси: _____ К.Адилов

Харидлар бўлими бошлиғи: _____ А.Номозов

Харидлар бўлими муҳандиси:
(Шартнома бўйича бажарувчи)

_____ А.Исомов